

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АЛЛАЯРОВ СУХРОБ РУСТАМОВИЧ

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДА
ОПТИМАЛЛАШГАН ФИСКАЛ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри - 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Аллаяров Сухроб Рустамович

Иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни
амалга ошириш йўллари..... 3

Аллаяров Сухроб Рустамович

Пути реализации оптимизированной фискальной политики в
стимулировании экономического роста 25

Allayarov Sukhrob Rustamovich

Ways to implementing an optimized fiscal policy in stimulating economic
growth..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АЛЛАЯРОВ СУХРОБ РУСТАМОВИЧ

**Иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни
амалга ошириш йўллари**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Iqt342 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Каримов Норбой Ғаниевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Жумаев Нодир Хосиятович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Бозоров Акмал Амонович иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳри филиали

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда алоҳида олинган ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти фаолияти натижаларини баҳолашда муҳим кўрсаткич - иқтисодий ўсиш даражаси ҳисобланади. Жаҳон бўйича «иқтисодий ўсиш суръати 2021 йилда ўтган йилга нисбатан қарийб 4,7 фоизни ташкил этиши тахминлаштирилган»¹. Иқтисодий ўсишни таъминлашда фискал база ва унинг фойдаланилмай ётган имкониятларини топишнинг аҳамияти катта бўлгани сабабли молия, солиқ, инвестицион ҳамда инновацион сиёсат айнан фискал вазифа ижросига қаратилган. Шу боис, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга ошириш йўллариининг ташкилий-услубий жиҳатларини халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш зарурати ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон амалиётида инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланишида иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг самарали фискал механизмининг ташкилий-услубий жиҳатларини ривожлантириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда давлатнинг фискал сиёсати тадбирларини таснифлаш, улар самараларини тан олиш, баҳолаш, доимий мониторинг қилиш, ахборот имкониятларини кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш хусусиятлари ва афзалликлари белгилаб берилган. Бироқ, жаҳонда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатнинг турлича талқини, уларни давлат молиясини бошқаришда акс эттириш турли даражада бўлганлиги, унинг услубий жиҳатларини халқаро тажрибалар талаблари даражасида ташкил этиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиш сифатида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш»², «солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршилиқлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш»³, «2030 йилга жами тўланган солиқ тўловлари ҳажмида ихтиёрий тўланган солиқ тўловларининг улушини 90 фоизгача етказиш лозимлиги»⁴ вазифалари қўйилди. Булар иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида солиқ

¹ <https://news.un.org/ru/story/2021/03/1399092>

² 2017- 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-ИЛЮВА. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 8 февраль.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5837-сонли фармони, 2019 йил 26 сентябрь.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 736-сонли Қарори, 2020 йил 20 ноябрь.

сиёсатини эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий соҳани рағбатлантириш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, шунингдек бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш вазифаларининг қўйилиши иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга оширишнинг долзарб вазифаларини белгилаб берди. Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлашда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга ошириш йўллари такомиллаштириш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 26 сентябрь ПФ-5837-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик йирик иқтисодчи-олимлар Д. Ж.Стюарт, Ж.С.Милл, У.Сениор, Ж.Б.Сэй, Т.Мальтус, А.Маршалл, А.Смит, Д.Рикардо, С.Лоуренс, Р.К.Мертон, Г.М.Марковиц, Э.Л.Найман, Дж.Робинсон, Дж.Сорос, Л.П.Хансен, Ю.Фама, У.Ф.Шарп, Дж.Швагер, К.Швайзер, Р.Шиллер Э.Хекшер, Р.Харрод, Е.Домар, Р.Солоу, Б.Гарретт, Г.Жереффи, Р.Каплински, М.Лоренц, П.Маскелл, С.Резенфельд, М.Симагути, М.Сторпер, Э.Шмитц, М.Энрайт, Э. Райнерт, Х. Ричардсон, Дж.Фридман, К.Фримэн, П.Хаггет, Т.Хагерстранд, М. Портер, Й. Шумпетернинг илмий ишларида атрофлича ўрганилган⁵.

⁵ Шумпетер Й. Теория экономического развития / Пер. с нем.: – М.: Прогресс, 1982 г. – 455 с.; Hayek F.A. Individualism and Economic Order / F.A. Hayek. – Chicago: Univ. of Chicago Press, 1948; Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ. / Под ред. В.Д.Щетинина. – М.: Международные отношения,

МДХ мамлакатлари олимларидан А.В.Брызгалин, И.В.Горский, И.В.Караваева, С.Г.Пепеляев, Б.Е.Пеньков, В.М.Пушкарева, Д.Г.Черник, С.Д.Шаталов, П.Н.Шуляк, Т.Ф.Юткина, Л.И.Якобсон, Л.А.Дробозина, В.Г.Пансков, С.Н.Хурсевич, М.В.Романовский, О.В.Врублевская, Ю.А.Беляев, О.В.Богачева, И.Д.Мацкуляк, А.Г.Куликов, В.М.Родионова, Ю.И.Любимцев, А.В.Улюкаев, Л.И.Абалкин, В.И.Кушлин, Д.С.Львов, А.Д.Некипелов, А.Н.Фоломьев, С.Е.Хорзов, В.А.Подмогильная, А.М.Алиев, Н.Б.Савченко, С.В.Шлянкевич, Х.Б.Алиев, Р.Л.Маргулис, Т.Е.Тотикова, С.Мерзляков, И.А.Белова ⁶ ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар фискал сиёсат назарияси, методологияси ва амалиётининг айрим масалалари бўйича шуғулланганлар.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар Т.Маликов, П.Жалилов, Э.Гадоев, Н.Кузиева, Н.Ашурова, И.Ниязметов, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, Д.Тожибоева⁷ ва бошқаларнинг ишларида фискал сиёсатни такомиллаштиришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг асарларида «иқтисодий ўсишни рағбатлантириш» ва «фискал сиёсат» тушунчалари атрофлича тадқиқ қилинган. Лекин «оптималлашган фискал сиёсат» юритиш, «давлат фискал сиёсатини баҳолаш услубиёти», «давлат фискал салоҳияти» тушунчалари, иқтисодий ўсишнинг фискал омилларини самарали бошқаришнинг устувор омилларини аниқлаш имконини берувчи иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва давлат фискал сиёсати самарадорлигини баҳолаш каби муҳим жиҳатлар тўлиқ ёритилмаган. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий

1993 г. – 886 с.; Krugman P. Geography and Trade. Cambridge: The MIT Press, 1992; Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. – The MIT Press, 2001. P. 384.

⁶ Алиев А.М. Совершенствование механизма налогообложения / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2011. – 21 с.; Савченко Н.Б. Совершенствование платежной дисциплины в механизме налогообложения предпринимательской деятельности / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2011. – 27 с.; Шлянкевич С.В. Усиление контрольной функции налогов в современном механизме налогообложения / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2012. – 29 с.; Алиев Х.Б. Развитие налогового контроля в РФ / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2012. – 23 с.; Маргулис Р.Л. Совершенствование системы налогообложения в РФ / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2010. – 25 с.; Тотикова Т.Е. Реформирование налогообложения и налогового контроля доходов физических лиц в России / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – Саратов.: 2012. – 21 с., Мерзляков С.А. «Стратегическое взаимодействие фискальной и монетарной политики в экспортоориентированной экономике». Деньги и Кредит, 2010. № 2. С. 52-63; Белова И.А. «Типы фискального политики государства» Вестник Челябинского государственного университета. 2010. № 6 (187). Экономика. Вып. 26. С. 69–75.

⁷ Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солик сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 13 б.; Гадоев Э., Кузиева Н., Ашурова Н. Солик сиёсати стратегияси. Ўқув қўлланма. - Т.: 2013. 27-б.; Ниязметов И.Солик юқини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Т.: 2016. 72-б.; Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик – Т.: ТДИУ, 2014й., 409-б.; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Шарк, 2003 й., 309-б.;

асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитида иқтисодий ўсишнинг мазмуни, вазифалари ва омиллари тизимининг илмий асосларини тадқиқ этиш;

фискал сиёсатнинг зарурлиги, моҳияти, вазифалари ҳамда йўналишларини ўрганиш;

иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсат йўналишлари ва омиллари иштирокини баҳолашнинг услубий масалаларини ўрганиш;

мамлакатда давлат молиясининг бюджет-солиқ сиёсати, иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, ишбилармонлик муҳити, эркин ва махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва иқтисодиётнинг очиклиги омиллари таъсирини тизимли тадқиқ қилиш асосида фискал сиёсатни оптимал бошқаришнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва молиявий-иқтисодий диагностика қилиш;

ҳозирги шароитда мамлакатда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда фискал сиёсат самарадорлигини баҳолаш ва унинг имкониятларини оширишнинг ташкилий-функционал жиҳатларини таҳлил қилиш;

иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда давлат фискал сиёсати ҳисобига унинг имкониятларини аниқлаш асосида оптималлашган фискал сиёсатни юритиш бўйича стратегик қарашлар ва устувор йўналишларни аниқлаш ҳамда уларни амалга оширишнинг чора-тадбирлари ва механизмларини таклиф этиш;

иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсат юритиш жараёнида бошқарув органларининг ташкилий-функционал имкониятларини юксалтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

олинган тадқиқот натижаларини Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсат юритишга қаратилган давлат сиёсатини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияларини ишлаб чиқишда қўллаш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг фискал амалиёти олинган.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга оширишда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини олтин, кумуш бўйича 20% миқдорида белгилаш асосида инвестиция қилиш учун корхона ихтиёрида қўшимча маблағ қолдириш асосланган;

кўчмас мулк ва асосий воситалар сотиб олишда тўланган қўшилган қиймат солиғини қайтариш асосида корхона иқтисодий ўсишини таъминлаш асосланган;

кўриниши, таркиби бўйича хусусиятлари яқин бўлган импорт қилинадиган товар позицияларини аниқлаштириш асосида божхона ставкаларини қайта кўриб чиқиш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ички бозордаги рақобатбардошлигини ошириш таклиф этилган;

давлат қарзини олиш шартномаларини чегаралаш, бюджетни қўллаб-қувватлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган чоратадбирларни молиялаштиришга чеклов ўрнатиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлатнинг молия, бюджет-солиқ, инвестиция сиёсати, ҳудудий иқтисодиёт ва минтақавий ривожланиш дастурлари ижроси амалиётининг жаҳондаги илғор тажрибалари ҳамда бу борада Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларнинг тадқиқи асосида иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда давлатнинг самарали фискал сиёсатини таъминлашнинг зарурлиги ва аҳамияти асосланган;

мамлакатимиз бюджет-солиқ салоҳиятини бошқаришнинг амалдаги механизми таҳлили асосида фискал салоҳиятни баҳолашнинг заиф жиҳатлари аниқланган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги Ўзбекистон Республикасида турли омилларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этишнинг янги концептуал схемаси асосида иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни олиб боришнинг ўрта ва узоқ муддатли вазифаларни амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлари тизими таклиф этилган;

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига ҳамоҳанг тарзда мамлакатимизда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни олиб бориш йўналишларини такомиллаштириш Концепциясининг махсус модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндо-шув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги статистика департаментининг маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар иқтисодий

ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга оширишнинг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга оширишда, давлат фискал сиёсати самарадорлиги натижаларини баҳолашда, иқтисодий ўсишнинг фискал омилларини самарали бошқаришнинг устувор омилларини аниқлаш имконини берувчи иқтисодий ривожланиш истиқболларини белгилашда йўриқнома сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга ошириш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини олтин, кумуш бўйича 20% миқдоридан белгилаш асосида инвестиция қилиш учун корхона ихтиёрида қўшимча маблағ қолдириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги ПҚ-4555-сон қароридан ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 06/04-02-01-44/1406-сон маълумотномаси). Натижада, 2020 йилдан бошлаб, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари олтин, кумуш бўйича 25% дан 20% гача, 2021 йилдан эса 15 %гача камайтирилган ҳамда шу корхоналарнинг фойдасини солиққа тортиш рентабеллик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланган, бу эса тармоқда инвестиция қилиш учун қўшимча маблағ қолдириш имконини берган;

кўчмас мулк ва асосий воситалар сотиб олишда тўланган қўшилган қиймат солиғини қайтариш асосида корхона иқтисодий ўсишини таъминлаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги ПҚ-4555-сон қароридан ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 06/04-02-01-44/1406-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2020 йил охиригача корхоналарга 900 млрд.сўм атрофида маблағларнинг қайтарилишига эришилган;

кўриниши, таркиби бўйича хусусиятлари яқин бўлган импорт қилинадиган товар позицияларини аниқлаштириш асосида божхона ставкаларини қайта кўриб чиқиш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ички бозордаги рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қароридан ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги

06/04-02-01-44/1406-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида давлат бюджетига 25 млрд.сўм қўшимча божхона тўловлари тушган, 2859 та товар позициялари бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ички бозордаги рақобатбардошлик даражаси ошишига эришилган;

давлат қарзини олиш шартномаларини чегаралаш, бюджетни қўллаб-қувватлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган чоратadbирларни молиялаштиришга чеклов ўрнатиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг «2020 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 06/04-02-01-44/1406-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида давлат бюджетининг фоизлар тўлаш харажатларининг ошишига чегара белгиланиб, давлат бюджети тақчиллиги ошишига йўл қўйилмаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 18 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва фискал сиёсатнинг назарий-ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида иқтисодий ўсишнинг моҳияти, вазифалари ва омиллари тизими, фискал сиёсатнинг зарурлиги, моҳияти, вазифалари ҳамда йўналишлари, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга ошириш борасидаги хорижий тадқиқотлар ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш истиқболлари тадқиқ қилинган.

Иқтисодий ўсиш тушунчасининг иқтисодий мазмунини аниқлашга

ёндошувларда ягоналилик йўқ. Айрим иқтисодчилар⁸ «иқтисодий ўсиш»ни миқдорий тартибдаги категория деб ҳисобласалар, бошқалари⁹ эса уни нафақат миқдорий, балки шу билан бирга сифат жиҳатидан ҳам аниқлаштириш лозимлигини таъкидлашади.

«Иқтисодий ўсиш» тушунчасининг мазмунини тизимли тарзда тушунишнинг **қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатиш лозим:**

а) иқтисодий ўсиш мақсадлари. Иқтисодий ўсиш жараёни таҳлилининг вақт доирасидаги чекланганлигидан келиб чиқиб, иқтисодий ўсиш мақсадининг икки даражасини фарқлаш зарур: асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ва аҳоли турмуш даражасининг ўзгариши. Иқтисодий ўсиш узоқ муддатли мақсади амалга оширилишининг муҳим шарти сифатида иқтисодиёт барча субъектларининг яхлит тарздаги ривожланиши, улар ҳар бири томонидан маълум стратегик мақсадларга эришишнинг таъминланиши майдонга чиқади;

б) иқтисодий ўсиш тури. Ишлаб чиқариш омилларининг мутаносиблиги ва ўзаро ҳаракати иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турларини белгилайди;

в) иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари (ўсиш статистикаси). Иқтисодий ўсиш жараёни миқдорий ва сифат кўрсаткичлари орқали хусусиятланади. Иқтисодий ўсишнинг миқдорий кўрсаткичларига ялпи ички маҳсулот ЯИМ (ЯММ) ўсиш суръати, жон бошига тўғри келувчи ЯИМ (ЯММ)нинг ўсиш суръати, иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари, иқтисодий самарадорлик (меҳнат унумдорлиги) кўрсаткичлари ва бошқалар. Ўсишнинг яқунлари турмуш даражаси ва сифати кўрсаткичларига таъсир кўрсатади;

г) иқтисодий ўсиш самарадорлиги. Фақат ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишига ва унинг ҳажми ошишига асосланган иқтисодий ўсишгина жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайди;

д) иқтисодий ўсиш зиддиятлари. ЯИМнинг абсолют ва нисбий кўрсаткичларда ўсиши ҳали турмуш даражаси ва сифатининг яхшиланишига олиб келавермайди ва бунга иқтисодий ўсиш зиддиятлари тўсқинлик қилади: экологик зиддият (атроф муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиб бориши) ва ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви (даромадлар тақсимоотидаги нотенглик, меҳнатнинг ўта интенсивлашуви ва ҳ.к.);

е) иқтисодий ўсиш омиллари тизими. Бизнинг фикримизча, иқтисодий ўсиш омилларига иқтисодий ўсишнинг хусусияти, жиҳатлари, тур(тип)лари ва динамикасини аниқловчи сабаб-оқибат ҳодисалари, зарур шароитлар қиради.

Иқтисодий ўсиш омиллари тизимининг миқдорий мезони самарадорлиги сифатида ЯИМ барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши майдонга чиқиши мумкин.

⁸ Низамов А.Б. Совершенствование систем управления региональной экономикой в условиях устойчивого экономического роста. Авт. дис. на соиск. уч. степ. д.э.н Ташкент.:2008.с.16

⁹ Калинина И.Л. Формирование и реализация эффективной фискальной политики, стимулирующей экономический рост. Авт. дис. на соиск. уч. степ. к.э.н М.:2005.с.15

Ўзбекистонда мамлакатни ўрта муддатли истиқболда янада ислох қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш дастурини изчил амалга оширишни давом эттириш натижасида 2021 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларини сақлаб қолиш ва макроиқтисодий мувозанат, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати ошиши таъминланмоқда. 2021 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши суръати 5,1 фоизни ташкил этади. Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати – 5,8 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати – 3,5 фоизни, чакана товар айланмасининг ўсиш суръати – 5,9 фоизни ташкил этиши тахминлаштирилди¹⁰.

Жаҳон ҳамжамиятидаги эгаллаб турган иқтисодий мавқеини сақлаш ва яхшилаш стратегиясида, жумладан «Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси»да, турли ривожланиш сценарийлари ва халқаро рейтинг баҳоловчи агентликлар башоратларига кўра, мамлакатимизда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръатлари 6%дан 7-8%гача оширилиши лозимлиги таъкидланмоқда.

Иқтисодий ўсиш омиллари тизимининг сифат мезони тавсифи аҳоли турмуш шароитининг ўсиши, аҳоли ўртасида табақалашувнинг камайиши, ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиши, атроф-муҳитнинг яхшиланиши, иқтисодиёт рақобатбардошлигининг ўсиши ва ҳ.к. ларда акс этади.

Ижтимоий-иқтисодий тизимлаштириш қоидалари асосида иқтисодий ўсишнинг моҳияти, вазифалари ва омилларини тизимли тадқиқ этиш асосидаги **умумлашган талқини** унинг «доимий тарзда ўсиб боровчи ижтимоий эҳтиёжларни янада тўлиқроқ қондириш мақсадида иқтисодий ресурслардан янада самаралироқ фойдаланиш асосида тегишли давр мобайнида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва шароитларининг миқдорий ва сифат жиҳатидан ўзгаришларини ифода этувчи сиёсий-иқтисодий категория сифатидаги ифодаси» эканлигини таъкидлашга имкон беради.

Инглизча сўз орқали кириб келган «фискал сиёсат» тушунчаси мамлакатимиз ва хориж иқтисодий адабиётларида турлича талқин қилинади, кўп ҳолларда «бюджет-солиқ», «молия-солиқ» ва «молиявий сиёсат» деб юритилади¹¹.

Т.С.Маликов фискал сиёсатнинг мазмунини «бюджет-солиқ сиёсати» талқинида асослашга ҳаракат қилган ва унинг мазмунини «бир томондан, бюджет даромадларини (оқилона) шакллантириш, иккинчи томондан,

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига 2-илова «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2022-2023 йилларга мақсадли мўлжаллар».

¹¹Қаранг: Молия сиёсати, солиқлар ва солиққа тортиш. Таҳрир кенгаши В.Беганов ва бошқалар. Т.: «Иқтисодиёт ҳуқуқ дунёси», 1998й.; Ш.Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т.: ДИТАФ, 2001; С.Носова Экономическая теория: краткий курс. Учебное пособие. – М.: Гуманитар. Изд. Центр Владос, 2001; Ваҳобов А.В., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги: ўқув кўлланма. Тошкент: Иқтисод-молия, 2005.; Маликов Т.С. Бюджет-солиқ сиёсати / Т.С.Маликов, П.Т.Жалилов; Т.С.Маликовнинг умумий таҳрири остида, Ўз.Р. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТМИ.-Т.Академнашр, 2011.-472б.

бюджет харажатларини (самарали) сарфлаш билан боғлиқ» тадбирлар мажмуи¹² деб кўрсатади. Шунингдек, бошқа мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари ҳам фискал сиёсатнинг таркибий қисмларидан саналган солиқ сиёсатига алоҳида эътибор қаратишади¹³.

Умуман, бизнинг талқинимизга кўра, «**фискал сиёсат** – давлатнинг бюджетга солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловлар турлари ва ставкаларини ўзгартириш орқали давлат даромадлари манбалари таркиби орқали ҳамда давлат бошқарувининг барча даражаларида давлат харажатлари, тўловлар, дотациялар, бюджетлараро трансфертлар, субсидиялар, мақсадли дастурларни молиялаштириш кўринишида давлатнинг мажбурий харажатлари ҳажми ва таркибини аниқлаш орқали иқтисодиёт самарадорлигини ошириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлари комплекси».

Ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни амалга ошириш йўллари тадқиқига янгича ёндошув зарур ва унинг фундаментал асоси шунга таянмоғи лозим. Бунда мамлакатимиз ривожланиш истиқболларида иқтисодиёт модернизацияси ҳамда либераллашуви шароитидаги янги молия сиёсати доирасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб вазифалари асосида иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни ишлаб чиқиш ва самарали бошқариш йўналишларини тизимли тарзда тадқиқ этиш асосий масала қилиб қўйилиши ва унинг диққат марказида «иқтисодий ўсиш», «давлатнинг бюджет салоҳияти», «бюджет барқарорлиги», «иқтисодиёт очиқлиги ва бизнес муҳити» каби ҳаётининг белгиловчи омиллар мутаносибликларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали оптималлашган фискал сиёсат барқарорлигининг такомиллашган механизминини ишлаб чиқиш ётиши лозим.

Ижтимоий-иқтисодий тизимлаштириш қоидалари асосида иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, уни ташкил этиш ва самарали бошқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, мақсади, функциялари, тамойиллари ва таркибини кўриб чиқиш асосида иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатнинг янгича талқинини беришимиз мумкин: **«иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсат** – яхлит ташкилий-ҳуқуқий асосларда мамлакатда иқтисодий ўсиш ва самарадорликнинг рағбатлантирилиши, ижтимоий ривожланиш истиқболларининг ўсиши туфайли солиқ ҳамда бошқа мажбуриятларни бажаришнинг ихтиёрийлигини ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат фискал базасини оптималлаштириш, рискларни минималлаштириш

¹² Малиқов Т.С. Бюджет-солиқ сиёсати / Т.С.Малиқов, П.Т.Жалилов; Т.С.Малиқовнинг умумий таҳрири остида, Ўз.Р. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТМИ.-Т.Аkademnashr, 2011.-6-бет.

¹³ Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2004 йил. 24- б.

асосидаги фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш жараёнидир».

Фискал сиёсатнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

давлат даромадлари сиёсати (бюджет ва бюджетдан ташқари даромадлар кўринишида давлат ҳокимияти органлари ихтиёрига тушувчи солиқли ва солиқсиз тушумлар кўринишидаги пул маблағларини аниқлайди, тартибга солади);

давлат харажатлари сиёсати (ижтимоий харажатларни молиялаштириш ҳажми ва йўналишларини аниқлайди ҳамда давлат тузилишининг вертикал бўғинлари бўйича бюджетлараро муносабатларни тартибга солади);

бюджетлараро муносабатларни мувофиқлаштириш;

фискал сиёсат давлат молия сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади, бироқ пул-кредит тизими ва ташқи иқтисодий муносабатларнинг барча жабҳасини бирдай қамраб олмайди, шу боис уни монетар сиёсат ҳамда божхона сиёсати вазифалари билан мувофиқлаштириб бориш талаб этилади.

Фискал сиёсатнинг иқтисодий ўсишга таъсири, унинг таркибий қисмларининг мамлакат иқтисодиётига таъсири воситасида амалга оширилади.

Диссертациянинг «Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда давлат фискал сиёсати вазифалари ижросининг таҳлили» деб номланган иккинчи бобида давлат бюджети даромадларини кўпайтиришнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги аҳамияти таҳлили, давлат бюджети даромадларини ташкил этишда солиқлар тутган ўрнининг таҳлили, Ўзбекистонда солиқ юқини камайтиришга қаратилган фискал сиёсат вазифалари ижросининг таҳлили амалга оширилган.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда фискал сиёсат аҳамиятини ўрганиш учун мамлакатимизда давлат бюджети даромадларининг 2015-2020 йиллардаги ўзгариш суръатларини бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар билан боғлиқ ҳолда таҳлили қилиб чиқамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети даромадлари динамикаси таҳлили¹⁴


№	Кўрсаткичлар	Йиллар						2020 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши (марта)
		2015	2016	2017	2018	2019	2020	
1.	ЯИМ, млрд сўм	171808,3	199325,1	249136,1	326900,0	326900,0	580200	3,4
2.	Давлат бюджети даромадлари, млрд сўм	36493,3	41043,4	44500,0	62229,5	62229,5	132938	3,6
3.	Энг кам иш ҳақи, сўм	118400	130240	149775	172240	172240	223000	1,9
4.	Аҳоли сони, минг киши	31022,5	31575,3	32120,5	32656,7	32656,7	33905,8	1,1

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

1-жадвал маълумотларидан кўринишича, 2015-2020 йилларда ялпи ички маҳсулот 3,4 марта (408,4 трлн. сўмга ошган), Давлат бюджети даромадлари 3,6 марта (96,44 трлн. сўмга ошган), энг кам иш ҳақи 1,9 марта (104,6 минг сўмга ошган), аҳоли сони эса 1,1 марта ўсган (2883,3 минг кишига ошган).

2020 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига 132,94 трлн.сўм миқдорида ёки 2019 йилги кўрсаткичга нисбатан 70,71 трлн. сумга (2,1 марта) кўп даромад тушди. Бюджетга тушган даромадлар бўйича тасдиқланган параметрлар манбалар ҳамда барча ҳудудлар бўйича бажарилди. Солиқли тушумлар республикамиз ҳамда маҳаллий бюджетни тўлдиришга хизмат қилмоқда¹⁵.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида солиқ гуруҳлари бўйича фискал ижро даражаси таҳлили ҳам муҳим аҳамиятга эга (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда солиқ гуруҳлари бўйича фискал ижро даражаси¹⁶


Келтирилган 1-расм маълумотларига кўра, 2020 йилда 2015 йилга нисбатан бевосита солиқлар бўйича фискал ижронинг 5,4 пунктга ўсиши, билвосита солиқлар бўйича фискал ижронинг 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 2,5 пунктга пасайиши, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 0,9 пунктга ўсиши кузатилган.

Бу таҳлил натижаларидан шуни кўришимиз мумкинки, бевосита солиқлар бўйича фискал ижро даражасининг юқори кўрсаткични ташкил этишига сўнгги йилларда республикада юридик шахслар бўйича даромад

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти: www.soliq.uz. маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

солиғи, ягона солиқ тўлови ставкаларининг пасайтирилиши ҳисобига солиқ тўловчилар сонинг ўсиши, солиққа тортиладиган базанинг кенгайиши сабаб бўлган бўлса, билвосита солиқлардан қўшилган қиймат солиғининг ставкаси ўзгаришсиз қолгани ҳолда, акциз солиғи солинадиган товарлар рўйхати кенгайтирилган. Ресурс тўловлари бўйича солиқ тўловчилар сонининг кўпайиши ва солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, солиққа тортиладиган базани кенгайиши сабаб бўлган. Шу боисдан, солиқ турлари бўйича фискал ижро даражаси таҳлили ҳам муҳим аҳамият касб этади (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда солиқ турлари бўйича фискал ижро даражаси (фоиз ҳисобида)¹⁷


2-расмда келтирилишича, Ўзбекистонда фискал ижро таҳлил қилинаётган йилларда айрим солиқ турлари бўйича ўсиш суръатлари пасайиши кузатилган. 2016 йилда 2014 йилга нисбатан фискал ижро 4,7 пунктга ўсган, 2017-2018 йилларда эса 2016 йилга нисбатан 3,5-4,5 пунктгача пасайган, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 0,7 пунктга ўсган.

Ҳудудларни ривожлантириш борасида фикр юритиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай дейди: «Ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмас».¹⁸ Шунинг эътиборига олган

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

¹⁸Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 1046

ҳолда, республика миқёсида фискал ижрони таъминлашда ҳудудларнинг иштироки таҳлилига эътибор қаратамиз (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон вилоятлари бўйича фискал ижро даражаси (фоиз ҳисобида)¹⁹

Келтирилган 3-расм маълумотларига кўра, таҳлил қилинаётган 2015 йилда юқори фискал ижро даражасига (90 фоиздан юқори) эга ҳудудлар олтитани, яъни Навоий – 98,3 фоиз, Фарғона вилояти – 97,4 фоиз, Сурхондарё – 94,5 фоиз, Тошкент вилояти – 92,3 фоиз, Самарқанд вилояти – 91,5 фоиз, Хоразм вилояти – 90,3 фоиз фискал ижрога эга бўлган бўлса, 2020 йилга келиб улар сони 13 тага етган, яъни Жиззах вилоятидан ташқари барча ҳудудларда фискал ижронинг даражаси 90 фоиздан юқори бўлган.

Диссертациянинг якунловчи «**Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишни таъминлашда оптималлашган фискал сиёсатни амалга ошириш йўллари**» деб номланган учинчи бобда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатнинг концептуал асослари, фискал сиёсат самарадорлигини ошириш ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Давлатнинг ижтимоий вазифалари ва бюджет мажбуриятларининг тобора ўсиб бориш тенденцияси кузатилаётган ҳозирги шароитда, мамлакатимизда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда оптималлашган фискал сиёсатни таъминлашнинг диссертант томонидан тавсия этилган Концепцияси моделида асосий эътибор даромад базаси шаклланишининг манбалари бўйича давлат бюджетининг самарали ижросини таъминлашга ҳамда бюджет истиқболни белгилашда уларни кўпайтириш имкониятларини такомиллаштиришга қаратилган. Мазкур модел асосига, аввало, давлатнинг ижтимоий вазифалари ва бюджет мажбуриятларининг

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳисобот маълумотлари.

ўсиб бориши шароитида унинг молиявий асосларини тўғри тахминлаштириш ва шакллантириш масаласи ҳамда унинг истиқболларида инвестицион фаолликни рағбатлантириш омили қўйилган. Мазкур моделда белгиланган вазифалар муваффақиятли бажарилишининг таъминланишида давлат томонидан мукамал, барқарор солиқ, бюджет, фоииз сиёсатининг юритилиши, инвестицион фаолликни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва мулкӣ кафолатларининг яратилиши ва ҳимоя этилиши каби заминлар муҳим аҳамият касб этади.

Давлат фискал сиёсатининг солиқ омиллари ва уларни самарали бошқариш - давлатнинг иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг самарали воситаларидан бири сифатида солиққа тортиш соҳасидаги истиқболга мўлжалланган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий-назорат тизимини такомиллаштиришга асосланган чора-тадбирлари йиғиндисини ўзида ифодалайди.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда давлатнинг оптималлашган фискал сиёсати самарали тадбирлари таркибида солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Шу жиҳатдан, бир томондан юқори фискал аҳамиятга эга бўлган ва иккинчи томондан эса, солиқ юки ва ушбу тармоқда корхоналар иқтисодий ўсишини рағбатлантириш мақсадида айрим солиқ турлари бўйича амалдаги солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келдики, ушбу тадбирлар ҳозирда давлатнинг муҳим фискал инструментларидан бири сифатида майдонга чиқади.

Мазкур диссертацион тадқиқотимизда ушбу масалада биз иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда давлатнинг оптималлашган фискал сиёсати самарали тадбирлари сифатида солиққа тортиш амалиётини такомиллаштиришга оид икки таклифни ишлаб чиқдик:

1. Кон-тоғ металлургия соҳасини солиққа тортишни такомиллаштириш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қароридан ўз аксини топган. Бунинг натижасида 2020 йилдан бошлаб, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари олтин, кумуш бўйича 25% дан 20% гача, 2021 йилдан бошлаб эса 15 %гача камайтирилди ҳамда шу корхоналарнинг фойдасини солиққа тортиш рентабеллик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланган, бу эса тармоқда инвестиция қилиш учун қўшимча маблағ қолдиришга имкон яратди.

Таҳлил натижалари тасдиқлашича, кейинги йилларда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлардан тушумларнинг абсолют қиймати ҳам, солиқли даромадлардаги улушининг ўзгариши ҳам сезиларли даражада ўсган (2-жадвал).

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлардан тушумлар,
2015-2020 йиллар динамикаси (млрд.сўмда)²⁰**

Йиллар	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлардан тушумлар	2514,5	2517,7	3474,1	8424,7	14692,8	16417,1
Солиқли даромадлардаги улушнинг ўзгариши (%да)	6,9	6,1	7,0	10,7	13,1	12,3

